

ҒАЛАКОРЛАР ҒАЛАБАСИ

ВАТАН ОМБОРИГА 25.220 ТОННА ТОШКЕНТ ДОНИ ТУКИЛДИ.

Даладаги ҳосилни тезда йиғиб олиб, келгуси йилга пухта замин тайёрлайлик

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТНИНГ ОРГАНИ

№ 130 (3358).

Сепанба, 5 июль 1966 йил.

Баҳоси 2 тўйиқ.



Катта жирмон кўтардик

Бу йил областимиз ғаллазорларида ҳосил мўл бўлди. Ватан олдидаги бурчларини шараф билан бажаришга бел боғлаган ғаллакорларимиз дастлабки кунданоқ ўрим-йиғимга уюшқоқлик билан киришдилар. Ғалла ортган карвонлар кетма-кет давлат омборларига жўнатилаётган.

Кун кеча областимиз бўйлаб ажойиб хушхабар тарқалди. Партия XXIII съезди ва КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларидан руҳланган областимиз ғаллакорлари давлатга дон сотиш йиллик планини 3 июлда муддатидан илгари 100,9 процент бажарганликларига ҳақида (бу ҳисобга июли қирмайди) рапорт бердилар.

Давлат омборларига 25 минг 220 тонна сара дон топширилади. Бу кечани кеча, кундузини кундуз демай қилганига фидокорона меҳнатининг, партия ва ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган катта ёрдамнинг меvasидир.

Бугун ғалла плани бажарилган далада ҳамма Урта Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ ғаллакорларига офаринлар айтмоқда. Бу районларнинг ғаллазорларида ҳосил ниҳоятда баракали бўлди. Ўрим уюшқоқлик билан ўт-

казилмоқда. Мазкур районларнинг ғаллакорлари давлат планининг бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Юқори Чирчиқ районидagi «Гулистон» колхозини ғаллакорларининг «Ҳосилни узогй билан 15—20 кун муддат ичида ўриб-йиғиб оламиз» деб бошлаган ташаббуслари бутун областга ёйилди. Гулистонликлар ўз сўзларининг устидан чиқдилар. Ҳосилни қисқа муддатларда ўриб-йиғиб олиб, улкан жирмон кўтардилар. Колхознинг ўртоқ М. Саидов, М. Қурбонов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида ҳосил айниқса, мўл бўлди.

Областадаги бошқа район ва колхозлар ҳам ғалла планининг бажарилишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳали ғаллазорларда ҳосилнинг чўғи мўл. Азамат деҳқонларимиз ўрим-йиғимни ва давлатга ғалла топширишни қизгин давом эттирмоқдалар. Барча колхоз ва совхозларда тер тўкиб етиштирилган ғалла ҳосилининг сўнгги граммларигача ўриб-йиғиб олиб, давлатга топшириш учун кураш бормоқда. Комбайнчилар бу курашнинг пешқадамлари бўлмоқдалар.

Ғаллакорлар келгуси йил тўғрисида ҳам ҳозирдан қайғирмоқдалар. Уруғлик фонди учун ғалла ва чорва озуқаси жамғариш ҳам тугалланай деб қолди.

Областимизнинг ғаллакорлари ўрим-йиғимни тезда таямлаш учун зўр гайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Калинин районидagi Ортоқикдазе номли колхозда ҳам ин қизгани. Бу хўжаликда ҳар гектар ердан 15 центнердан ҳосил йиғиб олини учун курашмоқда. Суратда: (чапда) ўртоқ Жалил Деҳқонов бошлиқ бригаданинг даладаги ўрим-йиғим пайти.

Урта Чирчиқ районидagi 1-«Оҳангарон» совхозининг 20 комбайнчиси ўрим-йиғимда фаол қатнашмоқда. Суратда: (Ўғда) совхоз директори ўртоқ Гуломов мусобақада голлиб чиққан комбайнчи ўртоқ У. Яўлдошевга таътавлан равшанда қизил виллоп топшираётган. М. НУРИДДИНОВ, К. РОЗИКОВ фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).



ЮТУҚЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАЙМИЗ

Колхозчиларимиз социалистик мусобақани кучайтириб, янги беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли якунлаш учун курашмоқдалар. Мўл ҳосил етиштириш юзасидан бошланган мусобақа ҳужайегиимизда борган сари ўзининг порлоқ самарасини бермоқда. Буни ғаллачилликини ривожлантириш соҳасида эришяётган дастлабки ютуқлардан ҳам кўриш мумкин. Биз бу йил 1450 гектар майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирдик.

Колхозчиларимиз ғалла ўрим-йиғимига ҳар тарафлама уюшқоқлик билан киришиб ўримни тезлаштириш учун барча чораларни кўрдилар. Ҳар бир участкада иш пухта ташкил этилди. Наҳадада кундан-кунга ўрим суръати кучайиб кетди. Кунига 50—60 гектар майдондаги донни ўриб олишни таъминладик. Ўриб йиғиштирилган ғалла пеша-пеш давлат омборларига тўкиб турилди. Оқибатда кунига йиллик планининг 50—60 проценти миқдорда ғалла топшириб 1 июлдаёқ ўз зиммасига юклатилган топшириқни муваффақиятли бажардик. Давлатга 500 тонна дон етиштириб бердик. Ҳали даладаримизда ғалла кўп. Яна пилдан ташқари 100 тонна ғалла сотиш учун курашятимиз.

Ўрим-йиғимни тезлаштиришда ва давлатга топширишда коллективимиз бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилмоқда. Ҳар бир киши ўзига топширилган ишни сидиқдиллик билан бажаряпти.

Колхозимизда У. Исмаилов, У. Пўлатов каби комбайнчиларнинг номини ҳамма ҳурмат билан тилга олади. Улар ўтган йиллардагидек бу йилги мавсумда ҳам ҳалол меҳнат қилмоқдалар. Ҳар бир

комбайнчи 300 гектар майдондаги ғаллани ўриб бериш мажбуриятини олган. Биз комбайнчиларнинг унумли ишлаши учун барча шароитларни яратиб берганмиз. Ҳар бир комбайнчи дон ташкилдан чикчилар билан биргаликда қўйилган. Мали Абдукаримов, Одил Норбоев каби шоферларимизда тиним йўқ. Улар кунига нормадан 10—12 тонна турт мавсудан катнаб, 12—15 тоннадан ғаллани ташимолқдалар.

Колхозимизда ғалла ўрим-йиғимини қисқа кунда таямлашга ҳаракат қилаймиз. Бу соҳада фаол қатнашяётган илгор бригада ва комбайнчиларга, шоферларга муқоррорлар берилиб турибди. Исик оқват ташкил этилган. Колхоз раҳбарлиси ғаллани ёнгиндан саклаш юзасидан ҳам зарур чораларни кўрди.

Колхозимиз ғаллакорлари ишнинг сифатли бажарилиши

учун ҳаракат қилаётирлар. Биз бир бошқоқ доннинг ҳам нобуд бўлмаслиги учун курашмоқдамиз. Баъзи жойларда эгиллиб қолган бошқоқлар кўп кучи билан йиғиштириб олиномиз. Комбайндан чиқарилган сомон қайтадан текширилмоқда. Буларнинг ҳаммаси ғалланинг бир граммини ҳам нобуд қилмасдан йиғиштириб олишни таъминляпти.

Даладаримизда бу йил ҳосил ҳар қанчондан ҳам мўл. Гектаридан 12 центнердан ошйриб жирмон кўтаряймиз. Бу эса ўз зиммасига олинган мажбуриятини тўла-тўқис бажариш билан бир қаторда, уруғлик фондими учун ҳам етарли миқдорда дон жамғариб қўйилишини тўла таъминляпти.

Сотти НАЗАРОВ,

Юқори Чирчиқ районидagi Калинин номли колхознинг раиси.

БАРАКАЛИ ҲОСИЛ

Коллективимиз ўрим-йиғимга зўр тайёргарлик билан киришган эдилар. Комбайн, трактор, автомашиналар ремонтти сифатли бўлгани учун ўрим-йиғим тезлаштирилди. Комбайнчилар, шоферлар бир-бирлари билан мусобақалашган ҳолда ишладилар. Совхоз мажмурияти ғаллакорларнинг унумли меҳнат қилишлари учун барча шароитларни яратиб берди.

Юқоридаги кўрилган тадбирларнинг ҳаммаси дастлабки ғалабани таъминлади. Ўрим кундан-кунга жадаллаштирилиб, давлатга ғалла топшириш юзасидан беришган 18 иш кунда муваффақиятли бажарилди. Ҳабуз пунктларига йилдаги 450 ўринга 533 тоннадан ортиқ дон етказиб берилди.

Коллективимиз бу эришялган муваффақиятини мустаҳкамлаб янги ғалабаларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилмоқда. План бажарилган бўлса ҳам ҳар кун белгиланган вазифани албатта бажарамиз. Ғаллакорларимиз бир грамм ҳам доннинг нес-нобуд бўлишига йўл қўйишмаляпти. Иккинчи бўлимда ишлар айниқса қувонарлиқдир. Бўлим ғаллакорлари вағдан унумли фойдаланиб, суръатга суръат қўйишляпти. 610 тонна ўринга 2 минг тоннадан ортиқроқ ғалла топшириш йилини учу баравардан ошириб бажардилар. Бундай кўрсаткичларини бошқа бўлим мисолида ҳам кўриш мумкин. Ғаллакорларимиз кунданлик топшириқларини ошириб бажармоқда.

М. ДАВЛАТОВ,

1-«Оҳангарон» совхозини партия ташкилотининг секретари.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАРШАВАДА

Совет делегацияси Варшава шартномасида қатнашувчи давлатлар Сёсий маслаҳат комитети кенгашида иштирок этиш учун 2 июлда самолетада Бухарестга жўнаб кетди. Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев (делегация бошлиғи), СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар вазирлиги А. А. Громино, СССР Мудофиа министри Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский, КПСС Марказий Комитети бўлим мудирининг биринчи ўрни-

босари К. В. Русаков бор. Шунингдек, делегация составига СССРнинг Руминия Социалистик Республикасидаги элчиси А. В. Басов ҳам қиради.

Делегацияни Внуково аэродромда А. П. Кирилленко, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, А. И. Шеленин, В. В. Гринш, В. П. Макавандзе, Д. Ф. Усенов, И. В. Капитонов, Б. Н. Попомарев ва бошқа ўртоқлар узашиб қолишди.

Совет делегацияси Бухарестга етиб келди. (ТАСС).

КОНДАН ШОН ТОПДИ

СОЦИАЛИСТИК МЕХНАТ
ҚАҲРАМОНЛАРИ

кон очилган шу конда ишлаяверди. Фозил ака яна минг томонини ўйлаб, охири шу фикрда тўхтади. Тўшдан кейин Косимни етказиб экспедиция партияси бошлигининг олдига келди. Шу кунги кадрлар бўлимида яна бир меҳнат дефтерчаси очилди.

Орадан кўп ўтмади. Қурама тоғ тизмаларида олиб борилган геология-қидирув ишлари ниҳоятсига етди. «Қалмоққир» конининг эҳтиёжга қалид топилди. Бу ерда катта рангли металллар запаси борлиги аниқланди. Косим қарашиб турган геологлар бошқарувида қалмақ қўчиб кетишди. «Истаган конга ишга ўт дейишди унга. Қўрқмади, бурги станокни мажмуриятига ёрдамчи бўлиб ишга кирди. Зехни дуруст экан, қисқа вақт ичида агрегатининг ма-

ридан-сирига пухта эгаллаб олди. Ўзи динамитлар учун мустақил жой тайёрлайдиган бўлиб қолди. Иш ҳам, ҳўқик ҳам яхши. Кон раҳбарлари унга бир неча оғир участкаларда ишлашнинг топшириқиди. Гайрат қилиб бу синовлардан яхши ўтди. Графикдан ўзиб ишласа ишладики, орқада қолмади.

Бугундан бошлаб смена мистериеси,— дедди ушунда участка бошлиғи Лебедев Косимни чақирди.— Маҳоратингизга қойилми. Энди одамлар билан ишлаш ҳам ўрганинг. Сизга Н. Абдурусуллов, В. Володин ва С. Тишечниковларни бикритиб қўйдик. Улардан ҳам ўзингизга ўшаган ажойиб машинанинг чиқарасиз. Косим йўқ демади. Конга ишга келган бу йиғиларга кўрган биланларини ўргатишга тутинди.

Бир неча йил ичида унинг қўлида ўнга яқин бш ҳўнарли бўлиди. Лекин шу пайтда дўстлари билан вақтинча ҳайрлашишга туғри келди. Косим Ватан олдидаги гражданилик бурчини бажаришга отланди. Ербироқларни ун қандай самийини кузатиб қолган бўлишса, уч йил ўтган, яна шундай очик чеҳра билан кутиб олишди. Косим Совет Армияси сифидан яна конга ишга қайтди. Конда анчагина ўзгаришлар бўй берилди, шу уч йил ичида қарьер бағри қонгилган. Заводага томон йўналган пўлат магистраллар тармоғи ортган. Эски бурги станоклари ўрнини БШМ-2 маркали сериунинг, замонавий станоклар эгаллабди. Косим ҳам шундай агрегатларнинг бирини қўлига олди. Мана ўшанга ҳозир 11 йил тўлди.

Ум бир йилдирки, шу станок маҳинист. Смена бошланишига ҳали вақт бор. Жуذا яхши. Унгача кон меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғи билан ведомостларни бир-бир арақлаб чиқишга улгурдик. Мана фактлар. Косим Саларовнинг бир ўз туру ойда 3457 метр ерни пармалади. Бу нормадан 300 метр кўп.

Ойлик кўрсаткичлари қандай?

— 20 иш кунда минг метр ерни пармалади. Ойлик норма шу билан бажарилган. Қолган кунлари сак, планга қўшимча равишда меҳнат қилди.

Маҳорати қерда экан бу йигитнинг? Смена бошланишига йиғирма минут қолганда у станогини анча етиб келди. Сменедоши Қодир

Ҳайрулдинов эидигина кабинетдан чиқиб турган эди. Косимнинг ардемиеси Николай Атофонов эса, бошқарма мой кўрди. Косим ҳисобдошлари билан суршдида, журналини қўлига олди.

— Бу ерга ҳеч нарсга ёздингми, Қодир?

— Йўқ. Ҳамма иш жўйида. Ҳақ қандай тикирилиб сезилмади. Яна ўзингиз бир синаб кўринг. Косим станогини қаракатга келтирди. Парма тикларини бўш-лиқда айлантириб кўрди. Соз. Электр қисқилари ва манжетлар иш ҳам яхши. 15 минутда етди кон тўла кўржидан ўтди. Энди энгичи шикариб наэбатдаги портлатиш ўқоқларини ҳозирлашга киришяверди бўлади.

— Кени, Николай, бошладик, — Косим комбинизонининг бел-

босини қисиб боғладиди, станок ричгарларини бўшатди.

Шу кунги «Қалмоққир» конининг марказий қарьери мис завоидга минглаб кубометр руда жўйида. 21 минг кубометр турли хил жинслар руда юзидан сандириб олиниди. Косим бу ракамларни эшитиб ҳурсенд бўлди. Ахир, шу муваффақиятларда унинг ҳам озиқ-кўпини ҳиссаси борда. Ўша кунги Косим смена давомиде нормадан 39 метр ўринга 46 метр ерни пармалади. Бунинг устига 7-категорияли қаттиқ қатлам эди бу. Бўлмаса Қосимдан ҳам ошйарди.

Мана, бугун тоғ ўғлини Косим Саларовни ҳамма қўтамоқда. Отаси Фозил ака ҳам ўғлини маҳкам бағрига босди. Ахир от босмаган иларини той босад деганлари шундай. Косим отаси киздан бориб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бўлди.

Ж. НОСИРОВ,
Олмалиқ шаҳри.

УША ТУН Фозил ака туз томай ухлаб қолди. Эртасига эса ўрнидан туролмади. Тогдан қайтаётганда амгирда қолиб қаттиқ шомоллаган экан. Кунги бўйи лаҳча чў бўлиб ётди. Шу ётишда уч кунгача кўзини очмади. Врачлар оёқка турғизинди-ю, аммо дармони йўқ эди. Нафаси ўқтин-ўқтин қисқидиган одад чиқарди. Шу сабаб бўлиб геология-қидирув экспедициясидан бўшашга туғри келди. Юраги ақиди, боши коти. Конларнинг келиди энди топилаётганда саломатлиғи проходканиликка ярамлай қолгандан кейин алам қилмайдими кишига.

Касби яхши эди унинг. Фақат мард, жасоратли кишиларгина тоғма-тоғ юриб кон очади. Ер қаъринга асрлаб яшириниб, ётан хазинани қалқа ҳада этади. Тўхта, уйдади. Фозил ака бир зум, ўғлимга касбини топширсан қандай бўларкин! Туғри, ҳозир у бш. Вақтинча экспедиция геологларига қарашиб турсин. Сўнг

ҚИММАТЛИ МАСЛАҲАТЛАР, ДҮСТОНА ЁРДАМЛАР

Мусобақадор Сирдарё пахтакорлари областимиз далаларида

СУВ ИСРОФ БЎЛМАСИН



Юқори Чирчиқ районидан биз иборат бўлган кўп нарсаларни кўрдик. — деди Сирдарё области Жиззах район иқтисодиёти бўлиги раиси ўртоқ Абдурахмон Нормуродов.

Дарҳақиқат бу районда деҳқончилик маданияти, одамларга қўлай маданий-маиший шароит яратиш соҳасида кўп ишлар қилинганлиги кўза яқин ташлаб турибди. Кўп майдонлардаги гўзалар яхши ривожланиб кўскалмоқда. Гўза қатор оралари ёввойи ўтлардан тазаланган. Бу районда карта четлари, ариқ бўйлари, зорур ичларидаги ўтларни юлб ва чопиб ташлашга катта эътибор берилганлиги кўриб турибди. Меҳмонлар чирчиқ, кўркам дала шийпонларини, янги қишлоқлар, стадионлар, клуб, меҳмонхона ва касалхоналарни кўриб хурсанд бўлишди.

Юқори чирчиқликларнинг энг катта ютуғи ҳар гектар ерда 90-100 минг туп кўчат сақлаб қолишга эришганликларидир. Аксарият ерларда кўчат тўла.

Бироқ далаларни бирма-бир текшириб чиққан мусобақадорлар айни кунларда йўл қўйлаётган қатор жиддий камчиликларни ҳам очиб ташлашди. Айрим жойларда гўза ниҳоятда сифатсиз култивация қилинган. Баъзи жойларда гўза чанчаб ётган бўлса, бошқа жойларда гўзалар яримтача сув ичида қолиб кетган. Айрим карталарда гўза нормал миқдорда бўлса ҳам, четларида кўчат сийрак, бунинг устига яхши қаралмаган ерлар учрайди.

«Ленинскій путь» колхозининг ўртоқ Муовит Султонов бошлиқ бригадининг 134 гектар пахта майдони бор. Бригада аъзолари гектардан 27 ўрнига 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Мусобақадорлар гўзанинг аҳолини кўриб бригадани олган мажбуриятдан анча ошириб ҳосил етиштириш учун ҳамма имконият борлигини кўрсатдилар. Бунинг учун гўзани сувдан қолдиришдан, култивацияни сифатли ўтказиш, карта четларидаги гўзани ўғай қилиб қўймаслик, кўчанинг ўқидирлиги, Афсуски бу ерда култивация жуда саёз ва сифатсиз ўтказилган. Айрим қатор ораларига трактор йирмаган. Шийпон олдиндан бошланган картанинг этакдаги бир гектар ерда кўчат жуда сийрак ва ўт босган. Бу бригадани беш гектар ердаги гўза ҳали талабга жавоб берадиган даражада эмас.

Свердлов номи колхозининг ўртоқ Ким Анатолий бошлиқ бригаданинг далаларини айланган киши қувониб кетди. Бу ерда чигит тажриба учун қатор ораси 90 сантиметри қилиб экилган. Култивация жуда чуқур ўтказилган, тупроқ гўза тагига қўмлаб қўрилган. Далада бегона ўт кўрилмади. Гўза барвақ ва серҳосил. У қўш нуридан, ҳаводан яхши баҳра олиб

ўсапти. Кўчат юз минг тупдан кам эмас.

Бироқ бу далаларни кўриб хурсанд бўлган кишининг таъби К. Маркс участкасига борганда хира бўлади.


Мана, Турғунбой Тугалбоев бошлиқ бригада далалари. Фақат ариқларидангина эмас, гўза қатор ораларида ҳам, кўчаларда ҳам сув охиб-тошиб оқиб ётибди. Қартагани этак томонидан гўзаларнинг учу сув ичида аранг кўрилади. Далада на сувчилар, на участка бошлиғи ўртоқ Ким Гин Бан кўрилади. Кўчанинг ҳар жой-ҳар жойида бир қучоқ келадиган резинка иланган ётибди. Ундан сув тарафда фойдаланилмайпти.

Катта йўл ёқасидаги картада гўза ниҳоятда чанчаб, сўйиб қолган. Сал нарироққа борсангиз гўза ичида сув қўлаб ётганини, ундан нарига ўтсангиз яна сувсиз қатор гўзани, қараб ётган ерларни кўрасиз. Бир жойда сув охиб-тошиб ётибди, иккинчи жойда гўзалар сўйиб қовқирамоқда. Бу участкада сувчилар ишдан Ким Гин Бон коният борлигини кўрсатдилар. Бунинг учун гўзани сувдан қолдиришдан, култивацияни сифатли ўтказиш, карта четларидаги гўзани ўғай қилиб қўймаслик, кўчанинг ўқидирлиги, Афсуски бу ерда култивация жуда саёз ва сифатсиз ўтказилган. Айрим қатор ораларига трактор йирмаган. Шийпон олдиндан бошланган картанинг этакдаги бир гектар ерда кўчат жуда сийрак ва ўт босган. Бу бригадани беш гектар ердаги гўза ҳали талабга жавоб берадиган даражада эмас.

Сирдарё номи колхозининг райондаги кўп хўжалиқларда бўлган ва шу наби қатор намчиликларни кўрсатиб уларга дўстона маслаҳатлар бердилар. Юқори Чирчиқ район пахтакорлари бундан тегishли хулоса чиқаришлари, ишда жиддий бўрилиш ясашлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.



У далада бундай... Бунисида ундай...

А. Холиқов чизган расм.

ШОНА ВА ГУЛНИ КЎПАЙТИРИНГ

Бу йил янгибўлди пахтакорлар она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» сотиш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятнинг шараф билан бажарилишида механизациялашган звенелар катта роль ўйнади. Районда бундай звенелардан 523 та бор. Шулардан 100 та яқини нарядсиз ишлайди.

Мусобақа шартларининг қандай бажарилаётганлигини ўзаро текширишдан ўтказгани келган сирдарёлик пахтакорларни кўпроқ ана шундай звенеларнинг иши қизиқтирди. Улар Охунбобоев номи колхозда бўлганларда меҳмонлар ҳам пахтачиларнинг иштирокида мўл ва арзон ҳосил етиштириш тарофи эканлигини ўз кўзлари билан кўрдилар.

Меҳмонлар машҳур механизатор Турсунбой Раимова бошлиқни қилаётган бригада далаларини айланган киши 1-«Боев» совхозининг бўлим бошлиғи, Х. Норчаев агар ораб, гўзаларни кўздан кечиради. Ўзинча ҳосилни чамалаб кўради.

— Мажбуриятингиз қандай — деб суради у Турсунбойдан.

— Ҳар гектардан 40 центнердан пахта топишсан деган ниятимиз бор.

— Гўзанинг ҳосил олиши, ривож ёмон эмас-у, дейди Норчаев, — бироқ кўчат камроқ кўрилади. — Ҳар гектарда 80 минг тупроқдан кўчат бор дейлик. — Сўзингизда оғтириди Норчаев, ҳар тупроқда 10 тадан кўсак ҳосил қилсангиз, ўртача бир кўсакдан 4 граммдан пахта олисан. Гектардан 32 центнердан ҳосил йиғиб олинади. Мажбуриятни бажаришнинг учун эса ҳар тупроқдан дегадга 13 тадан кўсак тўплаш дозим.

— Шунга ҳаракат қиламиз, — дейди Турсунбой, — гўзанинг ҳозиргача бир марта тўғдириб сугордик. Энди иккинчи озиклантириш кетяпти. Шу июль ойида шонага шона, гулга гул қўйиш учун куч ва ғайратимизни аямайми.

Меҳмонлар Охунбобоев номи колхозининг бошқа бригадаларига келганларда ҳам гўза парвариши намунали ўтказилганлигини кўриб хурсанд бўлдилар.

Шундан сўнг, улар «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозининг далаларини айландилар. Бу хўжалик 1300 гектар ерда пахта етиштирмоқда. Карталарни айланган сирдарёликлар колхозчилар гўзанинг ривожланишидаги қолдиқнинг тугатилиши йўлида кейинги кўчаларда ғайрат қилганликларига ишонч ҳосил қилдилар. Лекин колхознинг баъзи бригадаларида гўзани ўт босиб кетган.

— Утти тезда йўқотиш чорасини кўриш керак, — деб айтишди меҳмонлар. — Ҳозир гўза ҳосил тугатган пайтда ўт унинг сувиға, озуғасига шерик бўлмасин!

Собир Раҳимов номи колхоз далалари. Ҳар гектардан 24,5 центнердан пахта етиштиришга сўз берган бу хўжалик пахтакорлари шу кунларда сугорилган эр бермоқдалар. Далаларда ўт кўрилмади.

Кўп карталарда кўчат сийрак экан, деб айтишди сирдарёликлар, — ривожланишдан оғрада қолаётган гўзаларга алоҳида эътибор бериш, култивацияни сифатли ўтказиш, қўшимча озиклантириш керак.

Энгелс номи колхозининг катта пахта майдонлари қир ва адириқлардан иборат. Бу ерларда пахта етиштириш механизаторлардан, сувчилардан мохирлик билан иш-

лашни талаб этади. Айтиш керакки, колхознинг азамат кишилари бу вазифанинг уaldasидан чиқмоқдалар. Бу ерда пахта билан бир қаторда полн экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштириляпти. Деҳқонлар полн экинлари етиштиришда кўпроқ оқова сувдан фойдаланаётганликлари меҳмонларни хурсанд қилди.

Лекин бу колхозининг ҳамма бригадасида ҳам гўза парвариши яхши борапти, деб бўлмайдик. Деярлик 300 гектарга яқин майдоннинг гўзасини ўт босиб кетган. Колхоз раҳбарлари билан суҳбатлашсангиз куч етишмаслигини шикоят қиладилар.

Лекин хўжалиқнинг баъзи бригадаларида ишчи кучларидан, техникадан ишнинг қўзғилиб фойдаланилмайди, ҳар туп гўзанинг серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаш учун курашилмайди. Бегона ўтнинг кўпайишига йўл қўйилади. Ишчи илгор бригадалар тажрибаси асосида ташкил этиб бу қолдиқни тугатиш керак.

Меҳмонлар «Ленинград», Ҳамроқул Турсунқулов номи колхозларда бўлганларда ҳам гўза парвариши соҳасидаги ютуқлар билан бирга камчиликларни ҳам кўрдилар.

— Ингилликларга маслаҳатингиз қандай, — деб сураймиз Сирдарё райониданги Куйбишев номи колхозининг раиси Турсунмад Ғуломовдан.

— Ингилликларнинг гўза парвариши соҳасидаги ишларидан асосан хурсандимиз, — дейди у. Лекин баъзи бир эътирозларимиз ҳам йўқ эмас. Биз Охунбобоев номи колхозда бўлганимизда бу ерда яхши бир тажриба: чиритилган гўн-

га суперфосфат аралаштириб экин-га солинатганлигини кўрган эдик. Гўза ривожланишидан оғрада қолаётган бу йилги шароитда бу тадбир муҳим роль ўйнайди. Лекин кўп колхозларда ана шундай қилинмайпти, шарафат оқишга ҳам эътибор берилмайпти.

Бу йил пахта учун ўсиқ эмас. Лекин пахтани бўғидан шохлаб ҳосил олишти. Шунинг учун тракторларга тўсиқ ўратилишти шарт. Бизнинг колхозда шундай қилинадиган култиваторнинг ишчи органларига қол ўраб, устига совун сурнаб қўйилди. Силлиқ қонга теккан шох илашмайди, ҳосил тугунчаларига шикаст етмайди. Лекин биз бўлган хўжалиқларда негадир тракторларга тўсиқ ўратилмаган. Бу муҳим камчиликларни тугатиш чорасини кўриш керак.

Сирдарёликлар қаерга боришмасин, янгибўлдиликларга ана шу ситигари қимматли маслаҳатлар бермоқдалар. Уларнинг маслаҳатига амал қилган ингилликлар мўл ҳосил етиштириш учун курашини қизитмоқдалар.

Н. РИХСИБ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратда: сирдарёликлар Янгибўлди Навоий номи колхоз далаларида. (Чапдан) колхоз раиси Х. Аромонов, Пахтакор район иқтисодиёти раиси П. Абуов, СоюзНИХИнинг Гулистон райондаги марказий-мелиоратив станцияси директори Е. Ш. Сафаров ва бошқа ўртоқлар гўзанинг ривожини кўздан кечиришмоқдалар.

А. Мальцев фотоси.

ДОЛЗАРЬ ДАМЛАР ҒАНИМАТ

ДЕХҚОНЛАРГА ВРАЧ МАСЛАҲАТИ ПАХТАКОР, БУНГА РИОЯ ҚИЛ

Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини оширишда химиявий моддалар ҳам кенг қўлланилади. Бу химиявий моддалар билан ишлаганда эҳтиёт бўлишмасан у одам организмига заҳарли таъсир қўрсатиши мумкин.

Аммо, қишлоқ хўжалигида ишлатилганда профилактика чоралари қатъий риоя қилинса, улар хавф саломатлигига ҳеч қандай зарф етказмайди. Ўғимчакка-на, гўза ширасига қарши ишлатилган фосфор, тиофос ва метилмер-кптофос бирикмалари жуда заҳарли моддалар бўлиб, улар билан ишлаганда айниқса, эҳтиёт бўлиш лозим. Тиофос махсус тракторлар ёрдамида ўсим-ликларга пурқалади. Метилмер-кптофос эса самолёт ёрдамида сегилади.

Бу заҳарли химиявий моддалар киши организмига меҳда-ичак, нафас йўллари ва тери орқали ҳам ўттиши мумкин. Киши заҳарланганда иштаҳаси бўғилади, кўнгил айнаб, боши айланади. Медицина ёрдами кўрсатилмасан касаллик ўзгариб бораверади. Шунинг учун ҳам кишида заҳарланганлигини биринчи белгилари пайдо бўлиши билан уни тезда соф ҳавога олиб чиқиш, қийимларини ечиш ва тездан зарур медицина чораларини кўриш лозим.

Заҳарли моддалар беморнинг қўлига тушса ёки қўзга таъсир этган бўлса, тездан сув ёки ичимлик соданинг 2 процент эритмаси билан ювиш зарур (бир етакан сувга ярим чой қошиқ сода араштирилади).

Агарда бу фосфорли органик заҳарлар кишининг терисига тушса, терини пахта билан артиб қурғитилади, нашатир спирт ёки сода эритмаси билан артилади. Лекин, ишлатилган пахтани кўйдириб ташлашни унутмаслик керак.

Заҳарли модда билан ишлайдиган барча кишилар махсус комбинезон, кўз ойнак, резина қўлоқ, махсус ишланган респиратор ёки противогаз билан таъминланган бўлишлари лозим. Бу кишиларни ишдан кейин уйга олиб бориш мутлақо ман этилади. Бундай кишиларни ювчи кишилар метилмер-кптофос билан ишлаш қоида-

ларидан яхши хабардор бўлишлари керак.

Яна шунинг эса тутиш керакики, оқватланиш, чеккиш ва ҳоҳнатхонага боришдан олдин кўчаларни яхшилаб совунлаб ювиш, ишдан сўнг эса оқар сувада ёки душда совунлаб ювиш лозим.

Иш кунларида ҳар киши хўжалик ҳисобига ярим литрдан сўт билан таъминланиши зарур. Ичкисидан сув бани иш иккундан 100 метр узоқда, шамолга тексари ҳолда берк сақланиши керак. Бу жойда чеккиш ва оқватланишга рухсат берилмайди.

Метилмер-кптофос билан ишловчи бригада аъзоларининг иш кунини 4 соатдан ошмаслигини ва суринкаси 10 кундан ўтмай бошқа бригада билан алмашишлари лозим.

Юқорида айтилган барча қоидаларга қатъий риоя этиш билан химиявий моддалардан заҳарланишнинг олдини олган бўламиз.

Қ. СОДИҚОВ.

Область санитария маорифи уйнинг методисти.



Хоразмлик пахтакорларнинг Муромжаатига амалий иш билан жавоб бераётган Калинин райондаги «Партия XIX съезди» колхозининг деҳқонлар астойдил ишламоқдалар. Суратларда: (юқоридан паства) мохир сувчи М. Икромов, юқори ҳосиллиқ участканинг бошлиғи, Ленин орденли Н. Ёулдосева, комплекс механизациялашган звенонинг бошлиғи Н. Абдуллаев ўртоқлар.

Чапдан суратда ўртоқ Ҳикмат Раҳимов бошлиқ звенода гўза қатор ораларига ишлов бериш пайти.

Я. Абдуллаев фотолари.

